

ЎЗБЕК КИНОКОМЕДИЯСИ 80 ЁШДА ЁХУД МИЛЛИК КИНОКОМЕДИЯЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ЙУЛИ

Зарина Қодирова

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти магистранти



“Насриддин Афанди”, “Маҳаллада дув-дув гап”, “Келинлар қўзғалони”, “Абдуллажон”... Бу номларни эшитганда беихтиёр ўзбек томошабинлари юзига табассум югурди. Инкор этолмаймиз, кундалик ҳаётимизда ва сўзлашувимизда миллий кинокомедияларнинг алоҳида ўрни бор. Қувонишга арзийдикি, кинокомедия жанрининг ўзбекона характеристи ва хусусиятлари ҳам мавжуд. Биз бу жанрни бежизга эсламадик. Жорий йилда ўзбек кинокомедияси 80 ёшни қаршилади.

Гап шундаки, 1943 йилда “Ўзбекфильм” киностудияси буюртмасига биноан биринчи ўзбек кинокомедияси “Насриддин Бухорода” фильм томошабинларга намойиш этилган. Фильм Леонид Соловьёвнинг “Тинчлик қўзғатувчиси” романни ва Хўжа Насриддин ҳақидаги Шарқ халқ эртакларига асосланган.

Воқеа Бухоро амирининг адолатсиз ҳукми, камбағалларнинг камситилиши, ноҳақ қозилар, жамиятдаги табақалашув атрофида рўй беради. Насриддин бу ерда адолат учун хизмат қиласидиган, ноҳақларни жазолайдиган персонаж сифатида гавдаланади.

Сценарий муаллифлари Виктор Виткович ҳамда Леонид Соловьёв, фильм режиссёри Яков Протазанов, оператор Даниил Демуцкий, бастакор Мухтор Ашрафий.

Фильмда Насриддин ролини Лев Свердлин, Бухоро амири ролини эса Константин Михайлов ижро этган. Шунингдек, кинокомедияда Лутфихоним Саримсоқова, Раҳим Пирмуҳаммедов, Миршоҳид Мироқилов, Асад Исматов, Обид Толипов каби ўзбек актёrlари ҳам иштирок этганлар. Комедия рус тилида тасвирга олинган, бироқ бугун ўзбек кинофондида қимматли ўрин эгаллайди. Фильмни қўйидаги ҳавола орқали сиз ҳам томоша қилишингиз мумкин⁸².

Насриддин персонажи Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ миллий фольклорининг ўзига хос сатирик қаҳрамони. Унинг иштирокидаги машҳур ҳазил ва ҳикоялар асрлар давомида

⁸²<https://www.youtube.com/watch?v=5xLp89gFX7k>

яшаб келмоқда. Шунингдек, кино ва театр соҳасида ҳам бу персонажга бир неча бор мурожаат қилинган. Хусусан, 1946 йил Наби Фаниев томонидан “Насриддиннинг саргузаштлари” номли яна бир фильм тасвирга олинди. Бу кинокартина айнан биринчи фильм негизида яратилган бўлиб фильмдаги ролларни асосан ўзбек актёрлари ижро этишган. Хусусан, Насриддин ролини Рассоқ Ҳамроев талқинида томоша қилиш мумкин.⁸³

Комедиянинг мақсади томошабинларни хурсанд қилиш ва маълум ҳақиқатларни ўртага ташлаган ҳолда уларни кулдиришdir. Одатда, бу жанр баҳти якунга асосланади. Шунингдек, барча комедияларнинг асосий хусусиятларидан бири, ҳикоянинг бош ўқи жамият вакили сифатида ўз хото ва камчиликларини кўрсатадиган қаҳрамон атрофида айланади. Воқеалар, тасвирлар, характерлар қай бир маънода бўрттирилади. Комедияга қаҳрамон сифатида эса кўпинча ўзига хос персонажлар (масалан, ёлғончилар, эпсизлар, омадсизлар, бачканалар, хаёлпараслар) танланади. Бу одатланиш ҳар қандай персонаж комедияга қаҳрамон бўла олмайди, деган фикрни ўртага ташлайди. Бироқ АҚШнинг машҳур санъатшунос спикери Тим Грибленинг фикрича⁸⁴, кинокомедия актёрлари кулгули ёки маълум тоифадаги персонажлар бўлиши шарт эмас. Профессионал тарзда кўнгил очадиган комикслар, нима қилаётганимизни ва нима деяётганимизни кузатиб, уни ёритиб, кундалик воқеаларни ҳам ҳазилга айлантиришни биладилар.

Миллий кинематографиямизнинг 80 йиллик тарихига назар ташласак, “Шум бола”, “Суюнчи”, “Темир хотин”, “Шариф ва Мариф”, “Абдуллажон”, “Тўйлар муборак”, “Ажойиб хаёлпараст” каби фильмларда комедия жанрига мос бўрттирилган персонажларни кўрамиз. Бироқ, “Насриддин Бухорода”, “Майсаранинг иши”, “Маҳаллада дув-дув гап”, “Келинлар қўзғалони”, “Ёр-ёр”, “Тангалик болалар” каби кинокартиналарга кундалик вазиятлар ва ҳаётда мавжуд персонажлар деярли бўрттиришларсиз кўчиб ўтган. Демак, юқоридаги икки қарашиб ҳам ўзини оқлади.

Ўзбек кинокомедияси маълум шаклланиш йўлини босиб ўтган ва мана шу йўл унинг хусусиятларини белгилайди. Масалан, “Майсаранинг иши” кинокартинаси “Насриддан Бухорода” фильмига уйғун ҳолда тасвирга олинган. Ундаги Майсара персонажи моҳиятан Насриддинга яқин. Тасаввур қилинг, комик қаҳрамонларга тарихда қандай вазифа юкланаяпти. Юқоридаги фильмларга ворис сифатида “Суюнчи” ва “Келинлар қўзғалони” фильмларини кўрсатиш мумкин. Улардаги Анзират ва Фармонбиби исмли кекса аёл образлари оиласида ёки ўзи яшаб турган ҳудудда “назоратчи”, “тарбиячи” сифатида гавдаланади. Масалан, “Суюнчи” фильмида Анзират “қишлоғимиз виждони” дея таърифланса, “Келинлар қўзғалони”

⁸³ <https://www.youtube.com/watch?v=ahODagks4qI>

⁸⁴ <https://www.thegrablegroup.com/entertainment/comedy/funny-observational-humor/>

фильмида Фармонбиби “Кольхоз раиси”га тенгаштирилади. Бу икки кинокомедия олтин фонддан ўрин олган катта асарлардир.

Биргина “Келинлар қўзғалони” фильмини олайлик. Ҳозирги ўзбек кино оламида қайнона келин муаммоси, рўзғор ташвишлари, оилавий ҳаёт манзараси асосий мавзулардан бирига айланиб қолган дея иддао қилувчилар яхши билишадики, бу мавзулар юз йил олдин ҳам бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Муҳими, мавзунинг эски, янгилигида ёки катта кичиклигига эмас, уни қандай қилиб томошабинга етказиб берилишидадир. Дейлик, бир инсон ҳаёти билан бутун бир даврни, бир оила тасвирида жамиятнинг ижтимоий ҳаётини кўрсатиб бериш ҳам мумкин. “Келинлар қўзғалони” фильмининг яратилганига (1984) анча вақт бўлди, шундай бўлса-да, ҳануз томошабинини бефарқ қолдирмайди. Фильмда нафақат қайнона-келин муаммоси, оилавий келишмовчиликлар, балки ўғилларнинг онасига бўлган ҳурмати, садоқати онанинг қаҳр ортидаги сўнмас меҳр-муҳаббати ёки келинларнинг ўзаро муносабати тасвирланган. Оилавий муаммоларнинг ечими енгил кулгу остида кўрсатиб берилган.

Озодлик кайфиятидаги миллат учун айни қизғин даврда бу фильмнинг томошабинларга етказилишини жиддий қадам деб баҳолаш мумкин. Мана санъат ва фильмнинг кучи қандай бўлган. Биргина кинокомедия орқали Сайд Аҳмад, Баҳодир Йўлдошев, Мелис Абзалов каби ижодкорлар катта ижтимоий ҳақиқатларни ўртага ташлаган.

Ўзбек кинокомедиясининг яна бир даврида эса ҳаётий аччиқ муаммолар ўткир кулги билан экранга олиб чиқилди.

Масалан, 1990 йилда Исамат Эргашев томонидан суратга олинган “Темир хотин” фильмни мана шундай комедиялардан бўлиб, ўзбек киносида катта воқеълик бўлди дейиш мумкин. Шароф Бошбековнинг шу номли асарида ҳаёт ҳақиқати комик йўналишда акс эттирилган бўлса, фильмда ижтимоий, томошабинни йиғлатадиган муаммолар жанрларнинг қоришиқ ҳолатида кулгу воситасида очиб берилган. Муаммолар турли йўллар билан – образлар орқали, қаҳрамонлар тили билан ҳамда воқеалар воситасида баён қилинган.

Мустақиллик йилларининг дастлабки йилларида ҳам анъаналарга мос бир қанча фильмлар яратилди. Ҳусусан, Зулфиқор Мусоқовнинг “Абдуллажон” фильмни. Бу фильм биринчи ўзбек илмий-фантастик фильм бўлиб, уни кўплаб танқидчилар, режиссёrlар ва кино ишқибозлари Ўзбекистонда яратилган энг сара фильмлардан бири дея баҳолайди.

90 йилларнинг иккинчи ярмида комедия жанрида нисбатан бирор турғунлик кузатилди. Фақатгина 1998 йилда тасвирга олинган “Кичкина табиб” фильмни катта машҳурликка эришди. Зулфиқор Мусоқовнинг навбатдаги омадли қадами бўлган бу фильмда бир қанча ижтимоий масалалар ўртага ташланган. Фильмни табассум билан томоша қилиш мумкин, лекин комедия фонида таъмагирлик, жиноят, зўравонлик ва ноҳалоллик иллатлари қораланган.

Хусусий киностудиялар фаолияти эркинлашганидан сўнг замонавий кинокомедиялар, комедия субжанрларидағи фильмлар тасвирга олина бошланди. Хусусан, Рустам Саъдиевнинг “Мұхаббат синовлари 1-2”, “Келгинди күёв”, “Келгинди келин” каби комик мелодрамалари томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Замонавий давр, замонавий характерлар ва майший воқеалар умумлашган бу фильмларда эса моҳияттан ижтимоийлик йўқолиб қолган, бироқ бадиий ва техник ютуқлар ҳамда кинотеатрни соғинган томошабинлар олқиши билан камчиликларга вақтида кўз юмилган. Шу тариқа, замонавий майший комедиялар даврига дарвозалар очиб берилди.

Мустақиллик йилларида комедия жанридаги ижтимоийлик, сатира, кулгу орқали танқид қилиш каби хусусиятлар деярли йўқолди. Комедия жанри юқорида айтиб ўтилганидек, томошабинга кайфият улашувчи томошага айланиб қолди, холос.

Халқимиз комедия жанрини яхши кўради. Демакки, янги фильмлар, янги кинокартиналарга талаб ҳеч қачон сўнмайди. Айниқса, ижтимоий комедияларни томошабинларга қайтариш мұхим вазифадир. Бу йўлда ўзбек киноижодкорларига омад тилаймиз ва миллий кинокомедиямизга бефарқ бўлмаган барча юртдошларимизни 80 йиллик тарихий йўл билан табриклаймиз.